
**Ўзбекистон тумани ҳокими Шерзоджон Юлдашевнинг
Мустақилликнинг 31 йиллиги муносабати билан байрам табриги
Ассалому алайкум азиз дўстлар, қадрли юртдошлар!**

Бугунги шукуҳли кунларда барчангизни, қадрли туманимиз аҳлини энг улуғ, энг азиз айём – Давлатимиз мустақиллигининг 31 йиллик байрами билан самимий муборакбод этаман.

Эл-юртимиз ободлиги, фаровонлиги, ёрқин келажаги ва тинчлиги йўлида олиб бораётган эзгу ишларингизда Сизларга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, улкан муваффақиятлар тилайман.

Барча пок орзуларингиз амалгашиб, ҳар бир оилада меҳр ва муҳаббат боқий бўлсин.

Жонажон Ватанимиз, Янги Ўзбекистонимиз, хонадонларимиздан тинчлик-осойишталик, файзу барака ҳеч қачон аримасин!

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

**Ҳурмат билан,
Шерзоджон Юлдашев,
Ўзбекистон тумани ҳокими**

2022-08-31 22:19:53